

Келинсалом



21:06 / 07.11.2018 5091

Савол: *Ассалому алайкум. Сизларга бўлган чуқур эҳтиромим ва самимий эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.*

Мен хоразмликман. Шу боис, ҳудудий анъана ва урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда, ижозатингиз билан қуйидаги бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эдим:

1. Бизда шундай одат борки, келинлар қайнотаси, қайнонаси ва ҳоказоларга қўлини тиззасигача қилиб эгилган ҳолда (ушбу ҳолат зоҳиран кишининг намоздаги рукуъ қилган ҳолатига жуда ўхшайди) салом беради. Бу Ислом нуқтаи назаридан қандай? Мен ушбу ҳолатни хат орқали тасаввурингизда гавдалантира олмаган бўлсам, хоразмлик биронта кишидан тўлиқ тушунча ҳосил қилган ҳолда жавоб беришингизни интизорлик билан кутаман.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қўлини тиззасигача қилиб эгилиш намозда бўлади. Аммо одам, ҳайвон ва жамодотга уларни улуғлаб бу каби эгилиш ҳаром, залолат ва жаҳолат ҳисобланади. Қавмнинг катталарини кўрганда бу каби эгилиш ҳаром эканлигига фуқаҳолар иттифоқ қилишган. Агар мазкур эгилиш одамларни улуғлаш учун эмас, бошқа қавмларга тақлид тарзида бўлса, макруҳдир. Аммо келинлар, умуман, ёшлар катталарга одоб билан динимизда кўрсатилган таълимотлар бўйича салом бериб, эҳтиромларини қилишлари керак. Оддий ҳолатдаги, яъни бошни бир оз эгиб, ҳаё-ибо билан қилинган келинсалом инсонга сажда қилиш эмас, гўзал одатдир. *Валлоҳу аълам.*

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан